
Секторлар фаолиятдан

ТОШХОВУЗ МФЙда

Ёзёвон тумани ҳокими, 1-сектор раҳбари Й.Бойигитов бошчилигида сектор аъзолари Тошҳовуз маҳалла фуқаролар йиғини хонадонларида бўлишди. Улар хонадонлардаги муаммоларни ўрганишди. Тошҳовуз маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 840 та хонадон бор. Тумандаги мутасадди ташкилотлар томонидан аниқланган муаммоларни жойида бартараф этишга ва тушунтириш ишлари олиб боришга эришилмоқда. Сектор аъзолари кириб борган хонадонларнинг тозалигини таъминлаш ва ободонлаштириш борасида ҳам бир қатор тавсиялар бердилар. 1-сектор раҳбари Й.Бойигитов ҳудуддаги бир нечта хонадонларда бўлди. Жумладан, Тошҳовуз кўчаси 100-уйда истиқомат қилувчи ногиронлиги бор фуқаро Оятилло Умаров ҳолидан хабар олди. Тиббий ёрдамга муҳтожлиги сабабли, туман шифохонасининг шошилинич тез тиббий ёрдам бўлимига даволаниш учун жойлаштирилди. Бундай савобли ишлар давом этмоқда.

ЁЗЁВОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИ

2021-02-01 13:25:22